



«GROSS KASKO PLATINUM»
TRANSPORT ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

2-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



«GROSS KASKO PLATINUM» TRANSPORT ВОСИТАЛАРИНИ
ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу «GROSS KASKO PLATINUM» транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш учун оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖнинг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) қуйидаги суғурта шартларида Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш суғурта шартномасини (бундан буён матнда Суғурта шартномаси деб юритилади) тузиш юзасидан номаълум доирадаги жисмоний шахсларга йўлланган таклифи бўлиб ҳисобланади. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи Шартнома тарафларидир.

Ушбу Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суғурта полиси юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Суғурталовчининг суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товонини тўлаш (суғурта амал қилишининг бошланиши) бўйича мажбуриятлари Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг исталган филиаллари офисида транспорт воситаси кўздан кечириш (мониторинг) учун тақдим этилгандан ва фото/видео қайд этилгандан, шунингдек Суғурталовчи транспорт воситасини (бундан буён матнда ТВ деб юритилади) ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзолангандан кейинги кундан кучга киради. Суғурталовчи томонидан суғурта полиси олинган пайтдан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида Транспорт воситасини ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзоланмаган тақдирда, Суғурта шартномаси амалга ошмаган деб топилиши мумкин ва тўланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи раҳбариятига йўлланган ёзма аризаси асосида қайтарилиши лозим. Суғурта шартномаси амалга ошмаган деб топилганлиги муносабати билан суғурта мукофотини олиш учун Суғурта қилдирувчи суғурта полисида кўрсатилган муддат тугагунга қадар Суғурталовчига мурожаат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта шартларини қабул қилиниши ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинганлиги (акцепт) деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга розилик ифодаланади:

– ушбу Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилик;
– суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотлар билан автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали 5 (беш) йил муддатга ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, улардан фойдаланиш, эгасиз қилиб қўйиш, блоклаш, йўқ қилиш (йўқ қилиш ҳақида хабардор қилмаган ҳолда), шунингдек суғурта шартномасини бажариш, ички ҳужжат айланмасини таъминлаш мақсадида уларни учинчи шахсларга беришга розилик.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг интернет ресурси воситасида Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўз ҳуқуқи ва муомалага лаёқатлигини тасдиқлайди, шунингдек ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.



«GROSS KASKO PLATINUM»
TRANSPORT ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

3-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн режимда Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ, Суғурта қилдирувчининг ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳавслалари бундан буён матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Асосий тушунчалар:

1.1.1. **Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган Лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамияти.

1.1.2. **Суғурта қилдирувчи** – Суғурталовчи билан Оферта шартларида Суғурта шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

1.1.3. **Суғурта полиси** – Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Оферта шартларида транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси суғурта қилдирувчининг электрон манзилига у суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда тўлаганидан кейин юборилади. Суғурталовчининг мажбуриятлари Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ёки уларнинг ваколатли шахслари томонидан ТВни Ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзоланган кундан кейинги куни кучга киради.

1.1.4. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта шартномасида назарда тутилган, ҳақиқатда бир вақтда содир бўлган, Суғурта полисида кўрсатилган Суғурта даврида ва Суғурта ҳудудида юз берган битта ёки бир нечта ҳодиса бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчида суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келади.

1.1.5. **Суғурта даври** – Суғурталовчида суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари амал қиладиган вақт даври. Суғурта даври тарафлар томонидан Ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзолангандан кейин келадиган кундан эътиборан бошланади ва Суғурта шартномаси амал қилиши муддати тугашига қадар амал қиладиган.

1.1.6. **Суғурта шартномаси амал қиладиган давр** – Суғурта қилдирувчи томонидан Оферта шартлари қабул қилинган пайтдан бошлангандиган ва Суғурта қилдирувчи томонидан берилган аризада Суғурталовчининг сайтида кўрсатилган сана билан тугайдиган Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати.

1.1.7. **Суғурта товони (суғурта тўлови)** – Суғурта шартномасида қайд этилган Суғурта ҳодисаси натижасида юзага келган зарарни қоплаш учун Суғурталовчи томонидан Суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

1.1.8. **Транспорт воситалари** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан бутланган енгил автомобиллар. Такси хизматларини кўрсатиш мақсадида фойдаланиладиган, прокатга, ижарага берилгандиган, тест-драйв, мусобақалар учун фойдаланиладиган, шунингдек ишлаб чиқарилган йилдан бошлаб 15 (ўн беш) йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланиладиган ҳар қандай тоифадаги ТВ суғуртага қабул қилинмайди ва Компания мазкур ТВ суғурта қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди.



«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

4-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

1.1.9. **Суғурталанган ТВ** – Суғурта полисида кўрсатилган, Суғурта қилдирувчи номига рўйхатдан ўтказилган, ўзига нисбатан суғурта ҳимояси берилмаётган ТВ.

1.1.10. **Суғурта суммаси** – суғурта ҳодисаси (суғурта таваккал-иликлари) юзасидан Суғурта шартномасида белгиланадиган ва Суғурта полисида кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўлиб, унинг доирасида Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ёки уни олишга ваколатли бўлган бошқа шахсга суғурта товони тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

1.1.11. **Суғурта қиймати** – ТВнинг Суғурта шартномаси тузилаётган пайтда томонларнинг келишуви билан белгиланадиган ва суғурта шартномаси тузилаётган кунда жойлашган жойдаги ҳақиқий (бозор) қийматига тенг бўлган, суғурта манфаати боғланган қиймати. Суғуртага қабул қилинаётган ТВнинг суғурта қиймати, агар унга оид маълумотлар ва нарх Компания сайтида кўрсатилмаган бўлса, Компаниянинг www.gross.uz сайтида ҳамда www.olx.uz ёки avtoelon.uz Интернет сайтларида кўрсатилган айнан шундай ТВнинг маълумотлари ва нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

1.1.12. **Яқуний франшиза** – Суғурта полисида белгиланган франшизанинг қатъий суммаси, ундан Суғурта қилдирувчи томонидан эълон қилинган зарарлар Яқуний франшизанинг миқдори нолга тенг бўлгунга қадар чегириб ташланади. Яқуний франшиза лимити тугагандан сўнг, Суғурта қилдирувчи томонидан эълон қилинган барча кейинги зарарлар Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ тўланади.

1.1.13. **ТВнинг нобуд бўлиши (йўқотилиши)** – Суғурталанган ТВни тиклаш учун харажатлар Суғурта шартномаси тузилган пайтда унинг ҳақиқий қийматига тенг ёки ундан ортиқ бўладиган шикастланиши

1.1.14. **ТВнинг шикастланиши** – Суғурта қилинган ТВга ташқаридан механик ёки жисмоний таъсир ва/ёки суғурталанган ТВдаги ҳар қандай носозлик оқибатида содир бўлган ёнғин ёки портлаш натижасида Суғурталанган ТВ алоҳида қисмлари, деталлари, узеллари, агрегатларининг шикастланиши.

1.1.15. **Ҳайдовчи** – транспорт воситасини бошқариш учун тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган ва Суғурталанган ТВни бошқариш учун қонуний асосга эга бўлган жисмоний шахс.

1.1.16. **Суғурта қилинган шахслар** – Суғурталанган ТВда суғурта ҳодисаси юз бериши пайтида бўлган ёки унга кираётган (ундан чиқаётган) ҳайдовчи ва йўловчилар.

1.1.17. **Жабрланганлар** – Суғурталанган ТВдан фойдаланиш чоғида юз берган суғурта ҳодисаси натижасида ҳаётига, соғлиғига зиён ва/ёки мол-мулкка зарар етказилган учинчи шахслар. Бунда Суғурта қилдирувчи, ҳайдовчи ва Суғурта қилинган шахслардан ташқари ҳар қандай шахслар учинчи шахслар деб тан олинади.

1.1.18. **Бахтсиз ҳодиса** – суғурталанган ТВнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши натижасида Суғурта қилинган шахсларнинг тан жароҳати олишини ёки организмнинг ички ва ташқи функцияларининг бошқа бузилишларини ёки Суғурта қилинган шахсларнинг ўлимини келтириб чиқарган тўсатдан юз берган қисқа муддатли ташқи ҳодиса.

1.1.19. **ЙТХ** – ТВнинг йўлда ҳаракатланиш жараёнида юзага келган, фуқароларнинг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига олиб келган, ТВ, иншоотлар, юклар зарарланган ёхуд бошқа моддий зарар етказилган йўл-транспорт ҳодисаси.

1.1.20. **ТВЭФЖМСҚ полиси** – «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат.



«GROSS KASKO PLATINUM»
TRANСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

5-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

1.1.21. **Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома** – Суғурталовчи томонидан тузиладиган, Суғурта ҳодисаси юз берганлиги фактини тасдиқловчи за Суғурта товони суммасини белгиловчи ҳужжат. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома Суғурталовчининг, Суғурта қилдирувчининг ваколатли вакиллари, шунингдек Суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс томонидан имзоланади.

1.1.22. **Ташқи кўздан кечириш далолатномаси** – Суғурта қилдирувчи томонидан ва Суғурталовчининг вакиллари томонидан тузиладиган ҳамда имзоланадиган ҳужжат бўлиб, унда суғурта қилиш бошланишига қадар ТВда мавжуд бўлган нуқсонлар (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади ва улар бўйича Суғурталовчи зиммасида мажбуриятлар бўлмайди. Ташқи кўздан кечириш далолатномаси Суғурталовчининг ҳар қандай офисида фақат Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг вакиллари суғурта полисининг нуسخаси ва суғуртага қабул қилинаётган ТВнинг техник паспорти тақдим этилганида тузилиши мумкин. ТВ ни ташқи кўздан кечириш далолатномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг Мижозларни қўллаб-қувватлаш марказига 1166 қисқа рақами орқали қўнғироқ қилган ҳолда кўздан кечириш вақти ва жойи ҳақида олдиндан келишиб олиши, ўз фамилияси ва исмини, полис рақамини ва ўзига қулай бўлган кўздан кечириш жойини айтиши зарур.

1.1.23. **Персонал суғурта суммаси** – пул маблағлари суммаси бўлиб, Суғурталовчи унинг доирасида битта шахсга суғурта товонини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва мазкур сумма Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасини суғурталэнган ТВдаги ўтириш жойи сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

1.1.24. **Наф олувчи** – ушбу Шартнома шартларига мувофиқ суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, мазкур шахс сифатида қуйидагилар тан олинади:

– мол-мулкни суғурта қилишда – суғурталанган ТВнинг мулкдори ёки Суғурта полисида кўрсатилган, қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага асосланган ҳолда мол-мулкни сақлашдан манфаатдор бўлган бошқа шахс;

– Суғурта қилдирувчининг/ТВ ҳайдовчисининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишда – суғурталанган ТВдан фойдаланиш оқибатида ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зарар етказилган учинчи шахслар (жабрланганлар);

– ҳайдовчи ва йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишда – суғурталанган ТВда суғурта ҳодисаси юз бериши пайтида бўлган, шунингдек, унга кирасётган ёки ундан чиқаётган ҳайдовчи ва йўловчилар, улар вафот этган тақдирда эса – меросхўрлар.

1.1.25. **Транспорт харажатлари** – Суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин ТВ шикастланиши оқибатида такси хизматлари ҳақини тўлаш учун Суғурта қилдирувчининг ҳужжатлар билан тасдиқланган сарфлаган қўшимча харажатлари. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тан олинган тақдирда, транспорт харажатлари мазкур Шартномада белгиланган шартларда Суғурта қилдирувчига/Ҳайдовчига қопланади.

1.1.26. **Такси хизматлари** – ихтисослаштирилган транспорт ташкилотлари томонидан йўловчиларни тижорат асосида ташиш бўйича кўрсатиладиган, мазкур Шартномага мувофиқ қопланадиган хизматлар.

1.1.27. **Техник ёрдам хизмати** – суғурталанган ТВда техник носозликлар юзага келган тақдирда, суғурталанган ТВнинг Ҳайдовчисига кўрсатиладиган хизмат.

1.1.28. **Географик зона** – Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди. Тошкент шаҳри «Техник ёрдам хизмати» суғурта таваккалчилиги бўйича Географик зонадир.

Ушбу Шартномада қўлланиладиган таъриф ва тушунчалар бир қатор ҳолларда тегишли атамалар билан махсус тушунтирилади Агар бирор-бир таъриф ёки тушунчанинг маъноси ушбу Шартномада қайд этилмаган бўлса ва қонунчиликдан ҳамда бошқа норматив ҳужжатлардан келиб



«GROSS KASKO PLATINUM»
TRANSPORT ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

6-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

чиққан ҳолда аниқланиши мумкин бўлмаса, бундай таъриф ёки тушунчадан ўзининг одатдаги лексик маъносида фойдаланилади.

1.2. Суғурта шартномасини тузиш тартиби ва унинг кучга кириши:

1.2.1. Ушбу суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгилувчи электрон ҳужжат ҳисобланади;

1.2.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризининг тўлдирилиши шарт бўлган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган асл ҳужжатлар маълумотларига қатъий мувофиқ ҳолда тўлдиради;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризада баён қилинган ҳужжатларнинг асл нусхалари билан айнан эканлиги ва ишончлилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек ариза берилган ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига мос келмаганда, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига розилик беради;

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик тарзда Суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.

1.2.6. Суғурта шартномаси тузилгунга қадар Суғурта қилдирувчи суғуртага таклиф этилаётган транспорт воситасининг қийматини кўрсатган ҳолда суғурта учун тўловни мустақил равишда белгилаши ва суғурта суммасини ҳисоблаши мумкин. Бунда суғурта суммаси уларнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги керак, ушбу қиймат қуйидагиларга асосан аниқланиши мумкин:

- Суғурта шартномаси тузилган санада ишлаб чиқарувчи ксрхона томонидан транспорт воситасининг худди шундай русуми ва моделига белгиланган, транспорт воситасининг эскириш миқдорига (фоизларда) камайтирилган сотиш нархи;

- савдо ташкилоти томонидан берилган маълумотнома-ҳисобварақлар ёки транспорт воситасининг олди-сотди шартномаси;

- транспорт воситасининг мустақил баҳоловчи томонидан амалга оширилган ҳақиқий қийматини баҳолаш.

1.2.7. Суғурталовчининг ахборот тизими ёрдамида Суғурта қилдирувчи транспорт воситасининг турига (русуми ва ишлаб чиқарилган йили) ва суғурта қопламасининг танланган вариантларига боғлиқ равишда суғурта суммасини мустақил равишда аниқлайди, Суғурталовчининг ахборот тизими эса Суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлар ва суғурта қопламасининг танланган вариантларидан келиб чиққан ҳолда суғурта мукофоти суммасини шакллантиради ҳамда Суғурта қилдирувчи шакллантирилган суғурта мукофоти суммасига рози бўлган тақдирда, уни тўлагунга қадар Суғурта қилдирувчи ушбу Оферта матни билан танишиш мажбуриятини зиммасига олади.

1.2.8. Суғурта суммаси суғурта қийматидан паст деб белгиланган тақдирда, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) етказилган зарарни суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда тўлайди.

1.2.9. Суғурта қилдирувчи Оферта ва Қоидаларда таклиф этилган суғурта шартларига рози бўлган тақдирда Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз рсзилигини тасдиқлайди ва Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Суғурта шартномасини тузиш учун аризани (бундан буён матнда Ариза деб юритилади) онлайн режимда тўлдиришга ўтади.

1.2.10. Аризани тўлдиришда Суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ва унинг юз беришидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини (суғурта таваккалчилигини) аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча зарур маълумотлар кўрсатилиши талаб этилади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши керак.



«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

7-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

1.2.11. Ариза тўлдирилгандан сўнг Суғурталовчининг ахборот тизими «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасига кириш имкониятини автоматик тарзда очади.

1.2.12. Суғурта шартномаси тарафлари Суғурта қилдирувчининг Суғурта полисини олиши Суғурта шартномасининг (Суғурта полисининг) лозим даражада имзоланиши эканлигини тасдиқлайди.

1.2.13. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан тўланганлиги факти Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан тасдиқланган сана ушбу Офертани акцептлаш ва Суғурта шартномасини тузиш санасидир.

1.3. Суғурта шартномаси (полислар) ҳақини тўлаш тартиби:

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) ҳақи Суғурталовчи томонидан қўлланадиган ахборот (онлайн) тизимларидан фойдаланган ҳолда тўланади;

1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинги қайта йўналтириш учун ариза қабул қилинганлигини тасдиқлаш Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи аризани тўлдираётганида кўрсатиб ўтган мобил телефон рақамига СМС-хабарни жўнатиш йўли билан амалга оширилади;

1.3.3. СМС-хабар тасдиқлаш коди билан бирга олинганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, ундан кейин у суғурта мукофотининг ҳисобланган суммасини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун танланган тўлов тизимининг сайтига автоматик тарзда қайта йўлланади;

1.3.4. Суғурта полиси қиймати тўланганлиги ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта полисини расмийлаштиришни электрон шаклда автоматик тарзда амалга оширади, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига йўллайди ва ундан кейин Суғурта полисининг серияси ва рақами, Суғурта полиси электрон тарзда жўнатилганлиги факти ҳақидаги маълумотларни ичига олган СМС-хабар жўнатилиши йўли билан Суғурта қилдирувчини хабардор қилади;

1.3.5. Суғурталовчи Тўлов провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўловлар тизими ва интернет орқали тўлаш билан боғлиқ ҳар қандай зарарлари ва таваккалчиликлари учун жавобгар бўлмайди;

1.3.6. Суғурта мукофотини банк картаси билан тўлаш бевосита Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) – карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Агар Суғурта қилдирувчи банк картасини тўлов тўлаш учун бошқа шахсга берган бўлса, Суғурта қилдирувчи бу билан боғлиқ барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олади ва мазкур ҳолатда суғурта мукофотини тўланиши Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланишига рози бўлади;

1.3.7. Оферта йўлланган шахс Суғурталовчининг ахборот тизимида «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасини босиш билан, шунингдек шакллантирилган суғурта мукофотини тўлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ мазкур Оферта шартларига рози эканлигини билдиради.

1.4. Суғурта шартномасини (суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш. Суғурта мукофотини қайтариш:

1.4.1. Агар Суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолса ва суғурта таваккалчилигининг мавжудлиги суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатларга кўра тугаган бўлса, Суғурта шартномаси ўзи тузилган муддат келишига қадар тугатилади. Бундай ҳолатларга хусусан қуйидагилар тааллуқли:

суғурталанган мол-мулкни суғурта ҳодисаси юз беришидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

тадбиркорлик таваккалчилигини ёки ушбу фаолият билан боғлиқ фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилигини суғурта қилдирган шахс тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тугатиши.



**«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-113/K1,3,10,16

8-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

1.4.2. Суғурта шартномаси 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта амал қилган вақтга мутаносиб бўлган қисмини олиш ҳуқуқига эга.

1.4.3. Агар рад этиш пайтида суғурта шартномасининг 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича суғурта ҳодисасини юз бериши эҳтимоли йўқолмаган бўлса, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурта шартномасини бажаришни исталган вақтда рад этишга ҳақли. Ушбу ҳолатда (Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи шартномани муддатидан илгари рад этганида) Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

1.4.4. Бунда, агар ушбу Шартнома бўйича илгари суғурта товэни тўланган ёки тўланиши лозим бўлса, у ҳолда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

1.4.5. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра Суғурталовчининг манзилига бекор қилиш ҳақидаги ёзма аризани йўллаш орқали муддатидан илгари тугатилади.

1.4.6. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) Суғурталовчининг ташаббусига кўра фақат қонунчиликда ва суғурта шартномасида назарда тутилган ҳамда йўл қўйиладиган ҳолларда (бир томонлама тартибда) муддатидан илгари тугатилади.

СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Тўлиқ номи:

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамияти

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 6-уй
Электрон манзил (расмий интернет ресурси / электрон почта):
www.gross.uz / info@gross.uz

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар:

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2011 йилнинг 17 ноябрида 103-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Лицензия тўғрисида маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
2022 йилнинг 11 февralида СФ 00028-сонли Лицензия берилган.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Суғурта даврида ва географик ҳудуд доирасида содир бўлган, юз бериши билан Суғурталовчининг Суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган қуйидаги битта ёки бир нечта ўзаро боғланган ҳодисалар (суғурта таваккалчиликлари) суғурта ҳодисаси деб тан олинади:

2.1.1. ТВни барча таваккалчиликлардан нобуд бўлиши ёки шикастланиши, учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (жумладан ўғирлаш, талон-орож қилиш, олиб қочиш ва бошқалар);

2.1.2. Суғурталанган ТВдан Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи томонидан фойдаланиш чоғида учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига зиён ва/ёки мол-мулкига зарар етказганлик учун Суғурта қилдирувчининг/Ҳайдовчининг фуқаролик жавобгарлигини юз бериши;

2.1.3. Ушбу Шартноманинг 2.1.1-бандида назарда тутилган ҳодиса юз бериши натижасида ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши;

2.1.4. Ушбу Шартноманинг 2.1.1-бандида назарда тутилган ҳодиса юз бериши натижасида транспорт харажатларининг юзага келиши;

2.1.5. Ёнилғи мавжуд эмаслиги, шина шикастланиши (тешилиши) ёки аккумуляторнинг зарядсизланиши натижасида суғурталанган ТВда техник носозликларнинг юзага келиши.



«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

9-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

2.2. Суғурталовчи ишлаб чиқарувчи корхона браки, табиий эскириш ва ғилдирак шиналарининг шикастланишини қоплаб бермайди (бирок, суғурта ҳодисаси натижасида ғилдирак шиналарининг шикастланиши суғурта билан қоплаб берилади).

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

3.1. Ҳар бир суғурта таваккалчилиги бўйича суғурта суммаси қўйидаги тартибда аниқланади:

3.1.1. Ушбу Шартноманинг 2.1.1-бандида назарда тутилган суғурта таваккалчилиги бўйича суғурта суммаси Суғурта полиси тузилаётган пайтда суғуртага қабул қилинаётган ТВнинг ҳақиқий (суғурта) қийматиغا тенг деб белгиланади ва ундан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Суғурталанган ТВнинг суғурта суммаси унинг суғурта қийматидан пастроқ белгиланган тақдирда, суғурталанган ТВ билан суғурта ҳодисаси юз берганида, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 936-моддасининг талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчига/ Наф олувчига улар томонидан кўрилган зарарларни суғурта суммасининг суғурта қийматиغا нисбатига мутаносиб равишда қоплаб беради.

3.1.2. Ушбу Шартноманинг 2.1.2-бандида назарда тутилган суғурта таваккалчилиги бўйича суғурта суммаси тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади.

3.1.3. Ушбу Шартноманинг 2.1.3-бандида назарда тутилган суғурта таваккалчилиги бўйича суғурта суммаси тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади. Бунда Суғурталовчининг битта шахсга нисбатан жавобгарлик лимити персонал суғурта суммаси миқдори билан чекланади.

3.1.4. Ушбу Шартноманинг 2.1.4-бандида назарда тутилган суғурта таваккалчилиги бўйича суғурта суммаси тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади, у Суғурталовчининг такси хизматлари учун жавобгарлик чегарасини белгилайди.

3.1.5. Ушбу Шартноманинг 2.1.5-бандида назарда тутилган суғурта таваккалчилиги бўйича суғурта суммаси белгиланмаган ва суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, техник ёрдам хизмати Суғурталовчи томонидан ёки Суғурталовчи ҳисобидан ихтисослаштирилган ташкилот томонидан географик ҳудуд доирасида ва суғурта даврида уч мартадан ортиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилади.

3.2. Суғурта мукофотининг миқдори Суғурталовчи томонидан белгиланган ставкаларга (тарифларга) мувофиқ аниқланади ва Суғурта полисида кўрсатилади. Суғурта мукофоти ушбу Офертада кўрсатилган муддатларда Суғурта қилдирувчи томонидан бир йўла тўлов билан тўланиши керак.

4-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ушбу Шартнома амал қилиши даврида:

4.1. **Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) Суғурта полиси йўқотилган тақдирда, унинг дубликатини олиш;
б) Суғурта шартномаси доирасида Суғурталовчининг маслаҳатларини олиш;
в) суғурта ҳодисаси юзага келган тақдирда, Суғурталовчидан Суғурта шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда бажарилишини талаб қилиш.

4.2. **Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи қўйидагиларни бажариши шарт:**

а) Суғурта шартномасида қабул қилинган шартларга, талабларга ва мажбуриятларга риоя қилиши, суғурталанган ТВдан тижорат ташишларини амалга ошириш мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслиги;

б) суғурталанган ТВни ёнғинга қарши қоидаларга қатъий мувофиқ ҳолда сақлаш, ТВдан фойдаланишнинг тегишли қоидаларига риоя қилиши;

в) Суғурта шартномаси доирасида суғурта товонини тўлаш талабини Суғурталовчига асослаб бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисаси юз берганида, Суғурталовчини бу ҳақда мазкур Шартномада кўрсатилган исталган усулда хабардор қилиши;



«GROSS KASKO PLATINUM»
TRANSPORT ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

10-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

г) Суғурталовчи томонидан даъвони кўриб чиқиш ва регресс талаби ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида талаб қилиниши мумкин бўлган барча ҳужжатлар ва тартиб-таомилларнинг Суғурталовчи ҳисобидан бажарилишига рози бўлиши;

д) Суғурта шартномаси доирасида суғурта товонини тўлаш бўйича Суғурталовчига нисбатан талабни юзага келтириши мумкин бўлган суғурта ҳодисаси юз берганида, Суғурта шартномасида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириши;

е) юзага келган вазиятда эҳтимолий зарардан қутқариш, уни камайтириш ёки унинг олдини олиш бўйича оқилона ва амалга ошириш мумкин бўлган чораларни кўриши. Бундай чораларни кўра туриб, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи кўрсатмаларига, агар бундай кўрсатмалар берилган бўлса, шунингдек суғурталанган ТВни ишлаб чиқарган корхона тавсияларига амал қилиши шарт;

ж) воқеа содир бўлган жойда мазкур жойни ва шикастланган ТВни тўрт тарафидан, шунингдек салон ичидан (агар салонда шикастланишлар мавжуд бўлса) фотосуратга/ видеотасвирга олиши;

з) таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланишига қадар, Суғурталовчи билан шикастланган Суғурталанган ТВни кўрикдан ўтказиш жойи, санаси ва вақтини келишиб олиши;

и) агар олиб қочилган ТВ топилган ва/ёки Суғурта қилдирувчига қайтариб берилган бўлса, унинг учун тўланган суғурта товонини Суғурталовчига қайтариши;

к) агар ўғирланган (олиб қочилган) суғурталанган ТВ шикастланган ҳолатда топилган бўлса, Суғурта қилдирувчи уни тиклашга оид баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда илгари олган суғурта товонини Суғурталовчига қайтариш мажбуриятини зиммасига олади;

л) агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган даъво қилиш муддатлари мобайнида қонунга кўра ёки Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчининг суғурта товонига бўлган ҳуқуқидан тўлиқ ёки қисман маҳрум қиладиган ҳолатлар аниқланган бўлса, олинган суғурта товонини Суғурталовчига тўлиқ ҳажмда ёки маълум бир қисмда қайтариши шарт.

4.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурта қилдирувчидан ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бошқа шахсдан Суғурта шартномаси билан ва қонунчиликда улар зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш;

б) суғурта товонини тўлашни рад этиш, агар:

– Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи суғурталанган ТВ ва/ёки содир бўлган ҳодиса юзасидан била туриб ёлғон ва ишончли бўлмаган маълумотларни тақдим қилган бўлса;

– Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бошқа шахс Суғурта шартномаси билан улар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса.

4.4. Суғурталовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) Суғурта полисини фақат суғурта мукофоти тўланганидан кейин ва Транспорт воситасини ташқи кўрикдан ўтказиш далолатномаси тузилганидан кейин бериши;

б) суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта товонини Суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Суғурта қилдирувчи, Ҳайдовчи, Наф олувчидан олинган ахборотнинг сир сақланишига риоя қилиши шарт.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

5.1. Суғурта ҳодисаси юз берганида, Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бошқа шахс қуйидагиларни бажариши шарт:

– дарҳол бу ҳақда Суғурталовчига ҳар қандай мавжуд усул билан (телефон, электрон хат, факс ва шу кабилар орқали) хабар бериши;



«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

11-бет 15 бетдан

07.08.2024 г.

– ҳодиса ҳақида ваколатли органларга (ЙҲХБ, ЁХБ, ИИБ ва шу кабиларга) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда ариза бериши;

– Суғурталовчининг вакилига шикастланган суғурталанган ТВни суғурта ҳодисаси юз берган пайтда кўриқдан ўтказиш учун тақдим қилиши;

– шикастланган ТВни Суғурталовчининг вакили етиб келишига қадар жойини ўзгартирмаслиги шарт, бундан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари томонидан ёки жабрланган шахсларни қутқариш учун талаб қилинган ҳоллар мустасно.

5.2. Суғурта товонини тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун Суғурталовчи ёки бошқа ваколатли шахс юз берган ҳодисанинг ҳолатларини аниқлаш ва етказилган зарар миқдорини белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни йиғишда Суғурта қилдирувчига ёрдам беради.

5.3. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг талабига кўра унга суғурта даъвосини кўриб чиқиш ва тартибга солишда, шунингдек айбдор тарафдан зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини амалга оширишда Суғурта қилдирувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи учун ёзма ишончнома бериши шарт.

5.4. Суғурталовчини суғурта ҳодисаси ҳақида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки ҳодиса жойига Суғурталовчининг вакили чақирилмаган тақдирда, Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

5.4.1. ушбу Шартноманинг 2.1.1-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисасида:

а) суғурта полиси ёки унинг нусхаси;

б) юз берган ҳодисанинг ҳолатларини текширишга ваколати бўлган тегишли органлардан ҳодиса сабаблари ва тафсилотлари кўрсатилган ҳолда олинган материаллар (қарор, айблов ҳулосаси, суд қарори ёки бошқалар);

в) суғурталанган ТВ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт) нусхаси, агар у суғурталанган ТВ билан бирга олиб қочилмаган ёки ёнғин вақтида ёниб кетмаган бўлса;

г) Ҳайдовчининг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати, суғурталанган ТВни эгасининг номидан бошқариш ҳуқуқи учун ишончнома ёки ишончномага тенглаштирилган бошқа ҳужжатнинг нусхалари;

д) Суғурталовчининг танловига кўра, суғурталанган ТВни тиклаш учун зарур бўлган барча ишлар рўйхати, эҳтиёт қисмлар ва материалларни кўрсатган ҳолда баҳоловчи ташкилот томонидан тузилган моддий зарарни баҳолаш учун калькуляция/ҳисобот ёки наряд-бюджетнинг/техник хизмат кўрсатиш станциясининг нуқсонлар далолатномасининг асли.

Зарар миқдори ушбу Шартноманинг 2.1.1-банди бўйича белгиланган суғурта суммасининг 10% дан (ўн фоиздан) ошмаган ва зарар учинчи шахслар иштирокида ЙТХ, ёнғин, портлаш натижасида етказилмаган тақдирда, мазкур банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш шарт эмас.

Учинчи шахсларнинг (тўхташ жойи, автотурагоҳ ва шу кабиларда) ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказилган тақдирда, зарар миқдори ушбу Шартноманинг 2.1.1-бандида белгиланган суғурта суммасининг 1% (бир фоиз) дан ошмаган тақдирда, ушбу банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш шарт бўлмайди. Бунда мазкур ҳолат бўйича суғурта товонини тўлаш суғуртанинг жами даврида 1 (бир) марта амалга оширилади.

5.4.2. Суғурта шартномасининг 2.1.2-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисасида:

а) тегишли суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки ҳукми;

б) учинчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полисининг нусхаси.

5.4.3. Суғурта шартномасининг 2.1.3-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисасида:

а) (ҳайдовчи ва/ёки йўловчиларнинг) суд-тиббийёт экспертизаси ҳулосасининг нусхаси;



«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

12-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

б) суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин биринчи тиббий ёрдам кўрсатган тиббиёт, даволаш муассасаларининг ҳужжатлари (ҳайдовчи ва/ёки йўловчининг касаллик тарихидан кўчирма);

в) ҳайдовчи, йўловчи ва/ёки меросхўрларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

г) ҳайдовчи ва/ёки йўловчи вафот этган тақдирда – ўлим ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

5.4.4. Суғурта шартномасининг 2.1.4-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан Суғурта қилдирувчининг суғурта товонини тўлаш ҳақидаги талабларини (транспорт харажатларининг юзага келиши) кўриб чиқиш учун, Суғурта қилдирувчи ўзига такси хизматлари кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларни (шартномалар, квитанциялар, ҳисобварақ-фактуралар ва шу кабиларни) тақдим қилиши керак.

Содир бўлган ҳодиса ҳолатларини аниқлаш мақсадида Суғурталовчи Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисасига тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.5. Суғурталовчи ўз вақтида хабардор қилинганида тўпланган материалларга асосланган ҳолда суғурта ҳодисаси юз берган кундан эътиборан 5 (беш) кундан кечикмай суғурта ҳодисасини тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилади. Суғурта ҳодисаси ҳақида ўз вақтида хабар берилмаган тақдирда, суғурта товонини тўлаш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилинган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) кун ичида қарор қабул қилинади. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тан олинган тақдирда, Суғурта ҳодисаси ҳақидаги далолатнома тузилади, унда тўланиши лозим бўлган суғурта товони суммаси белгиланади.

5.6. Суғурта ҳодисаси тан олинмаган тақдирда, Суғурталовчининг суғурта товони тўлашни рад этиш ҳақидаги қарори суғурта товонини тўлаш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилинган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) кундан кечикмай Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига ёзма равишда хабар қилинади ва у рад этиш асослантирилган сабабларни ичига олиши керак.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурта ҳодисаси тан олинганидан кейин ва ТВ шикастланганда, талон-торож қилинганда ёки нобуд бўлганда, суғурта товони кўрилган зарар миқдорида, аммо Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган ҳолда белгиланади.

6.2. Суғурталанган ТВ тўлиқ нобуд бўлган тақдирда, илгари амалга оширилган тўловларни, Якуний франшиза суммасини чегириб ташланган ҳолда Суғурталовчи зарарни ўз ихтиёрига кўра суғурта суммаси миқдорида қоплайди ёки ўз ҳисобидан худди шундай русумдаги ва ишлаб чиқарилган йилдаги ТВни ташқи нуқсонларсиз техник соз ҳолатда тақдим этади. Бунда шикастланган суғурталанган ТВ Суғурталовчига берилиши лозим.

6.3. Суғурталанган ТВ шикастланганда Суғурталовчининг ихтиёрига кўра Суғурталовчи суғурталанган ТВ таъмирланишини ташкил қилади ёки баҳолаш таъкилоти томонидан тузилган моддий зарарни баҳолаш ҳақидаги ҳисоботга биноан Якуний франшиза шартларини эътиборга олган ҳолда суғурталанган ТВни тиклаш таъмирланишини ўтказиш учун зарур бўлган миқдорда, нақд пулсиз тартибда пул маблағлари билан суғурта товони тўлайди.

Бунда Суғурталовчи суғурта товонини тўлаш билан бир қаторда, Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган моддий зарарни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тан олган тақдирда, суғурталанган ТВга етказилган зарарни баҳолаш билан боғлиқ ҳужжатли тасдиқланган харажатларни суғурта ҳодисаси юз берган кунда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари доирасида қоплайди, шунингдек суғурталанган ТВ техник носоз бўлганда ёки унга шикаст етказилганда, агар у суғурта ҳодисаси натижасида юрмайдиган ҳолда бўлса, уни тўхтаб туриш жойига (гаражга) етказиб бериш (эвакуация қилиш) харажатлари ҳам суғурта ҳодисаси юз берган пайтдаги белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари доирасида қопланади.

Суғурталовчи/Наф олувчи томонидан Суғурталовчига тақдим этилган моддий зарарни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, Суғурталовчи



«GROSS KASKO PLATINUM»
TRANSPORT ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/К1,3,10,16

13-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

суғурта ҳодисаси туфайли етказилган моддий зарарни баҳолаш бўйича мустақил экспертиза ўтказишга ҳақли.

6.4. Суғурталанган ТВнинг предметлар урилиши ёки қулаши натижасида олд шамол ойнаси (олд ойнаси) шикастланган ёки бузилган тақдирда, суғурта товони суғурта суммасининг 3 фоизигача (уч фоизигача) миқдорда тўланади. Бунда мазкур ҳолат бўйича суғурта товони суғуртанинг жами даврида 1 (бир) марта ва ваколатли органлар ҳужжатларини тақдим этиш талаб қилинмасдан тўланади.

Суғурталанган ТВнинг олд шамол ойнаси (олд ойнаси) шикастланган ёки бузилган бошқа ҳолларда (шу жумладан ЙТХ, учинчи шахслар ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида) суғурта товонини тўлаш масаласини кўриб чиқиш учун ваколатли органлардан суғурта ҳодисаси фактини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади.

6.5. Суғурта шартномасининг 2.1.2-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан тўланадиган суғурта товони фуқаролик жавобгарлиги бўйича суднинг қарори билан чиқарилган сумма ва ТВЭФЖМСҚ полиси бўйича жабрланувчилар олиши учун белгиланган суғурта товони суммаси ўртасидаги фарққа тенг бўлган суммада аниқланади ва қуйидаги тартибда аниқланади:

6.5.1. Учинчи шахсларнинг (жабрланувчининг) ҳаёти ёки соғлиғига зиён етказилиши натижасида суғурта товонининг миқдори Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш қоидалари билан тасдиқланган Жабрланганнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар жадвалига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган ТВЭФЖМСҚ қоидаларига 7-илова, бундан буён Тўловлар жадвали деб юритилади) биноан белгиланади. Бир нечта учинчи шахсларнинг соғлиғи ва ҳаётига зиён етказилган тақдирда, уларнинг ҳар бири учун суғурта товонининг миқдори, ҳар бир учинчи шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зиённинг даражасига мутаносиб равишда, аммо автофуқаролик жавобгарлиги учун Суғурта полисида белгиланган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда аниқланади.

6.5.2. Учинчи шахсга моддий зарар етказилган тақдирда, Суғурта қилдирувчи томонидан учинчи шахсга етказилган моддий зарар миқдорида, Суғурта қилдирувчига суд қарори билан белгиланган суммада, аммо Суғурта полисида фуқаролик жавобгарлиги учун белгиланган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган ҳолда, ТВЭФЖМСҚ Полиси бўйича олган суғурта товонини чегириб ташлаган ҳолда белгиланади. Бир нечта учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган тақдирда, учинчи шахсларнинг ҳар бирига суғурта товонининг миқдори учинчи шахс мулкига етказилган зарарга мутаносиб равишда, Суғурта полисида автофуқаролик жавобгарлиги учун белгиланган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда аниқланади.

6.6. Ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилган тақдирда, суғурта товонининг миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

- енгил даражадаги тан жароҳати учун – персонал суғурта суммасидан 25% миқдорда;
- ўртача даражадаги тан жароҳати учун – персонал суғурта суммасидан 50% миқдорда;
- оғир даражадаги тан жароҳати учун – персонал суғурта суммасидан 75% миқдорда;
- вафот этган тақдирда – персонал суғурта суммасидан 100% миқдорда.

6.7. Суғурталанган ТВ техник носоз бўлган тақдирда, Суғурталовчи Суғурта шартномаси тузилган жой бўйича маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида ҳафтанинг иш кунлари ва вақтида қуйидаги техник ёрдам хизматлари кўрсатилишини текинга ташкил қилади:

– **Ёқилғини етказиб бериш** – агар транспорт воситасида йўлда кетаётган пайтда ёқилғи тугаб қолса, транспорт воситасининг қонуний фойдаланувчиси энг яқин ёнилғи қуйиш шахобчасига етиб олиш учун етарли бўлган миқдорда ёқилғи етказиб берилади;

– **Двигателни юритиб бериш** – агар суғурталанган ТВ да аккумулятор заряди тугаса, мотор ишга тушириш симлари (ёки бошқа технологик усуллар) ёрдамида юритиб берилади. Агар двигателни аккумулятор батереясининг қувватига боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра юритиб бўлмаса, суғурта қилинган ТВ энг яқин орада жойлашган автосервисга ёки энг яқин орада жойлашган қўриқланадиган автомобил турар жойига қадар олиб борилади;



«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-113/K1,3,10,16

14-бет 15 бетдан

07.08.2024 г.

– **Филдиракни алмаштириш** – шикастланган филдиракни суғурталанган ТВдаги захира филдирагига алмаштириш. Филдиракни алмаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда, суғурталанган ТВ энг яқин орада жойлашган автосервисга ёки энг яқин орада жойлашган кўриқланадиган автомобил турар жойига қадар олиб борилади.

6.8. Суғурталанган ТВ шикастланиши натижасида унда таъмирлаш-тиклаш ишлари ўтказилиши даврида юзага келган транспорт харажатлари Наф олувчига қуйидаги тартибда қопланади:

«Такси хизмати» бўйича: Суғурталовчи Наф олувчининг харажатларини такси хизмати учун белгиланган суғурта суммаси миқдоридан ҳар бир фойдаланган кун учун 1/30 қисми доирасида ва суғурталанган ТВда таъмирлаш-тиклаш ишлари яқунланадиган кунга қадар, аммо 30 кундан ортиқ бўлмаган ҳолда қоплайди. Суғурталанган ТВни топшириш далолатномаси таъмирлаш-тиклаш ишлари яқунланишини тасдиқлайдиган ҳужжатдир;

6.9. Суғурталовчи томонидан суғурта товони Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзоланган пайдан эътиборан 3 (уч) кун ичида Наф олувчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўланади.

6.10. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси натижасида юзага келган зарарни (зиённи) қоплаш учун амалга оширилган ҳар бир тўлов ёки таъмирлаш-тиклаш ишларининг қиймати суғурта суммасини ҳар бир таваккалчилик бўйича бундай тўлов суммасига камайтиради.

7-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

7.2. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги учун, агар мажбуриятларни бундай бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиққан бўлса, жавобгаргарликдан озод қилинади. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари таъсирига учраган Тараф мазкур ҳолатларнинг юзага келганлиги ва уларнинг таъсирининг давом этиши эҳтимоли ҳақида бошқа Тарафни дарҳол хабардор қилиши керак.

7.3. Ушбу Шартнома асосида берилган Суғурта полиси йўқотилган тақдирда, унинг дубликати Суғурта қилдирувчига унинг ёзма аризаси асосида берилади, ундан кейин йўқотилган Суғурта полиси бекор қилинган деб ҳисобланади ва у бўйича суғурта товони тўланмайди.

8-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

8.1. Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг суғурта натижасида қопланган зарарни етказилишига жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига у томонидан тўланган сумма доирасида ўтади. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини у томонидан амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларни хабар қилиши шарт.

8.2. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарарни етказилишига жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса ёки ушбу ҳуқуқни Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг айбига кўра амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмида озод қилинади ва ортиқча тўланган товон суммаси қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

9-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу Суғурта шартномасида назарда тутилган масалалар юзасидан низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўради.

9.2. Ушбу Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган, шу жумладан унинг ижро этилиши, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли низолар, келишмовчиликлар ёки



**«GROSS KASKO PLATINUM»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-113/K1,3,10,16

15-бет 15 бетдан
07.08.2024 г.

талабларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал қилиниши ва кўриб чиқилиши лозим.

10-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Суғурта полисига киритиладиган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тарафларнинг розилиги билан ёзма кўринишда амалга оширилиши керак.

10.2. Тарафларнинг ушбу Офертада баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

«Қабул қилиш»

«Бекор қилиш»